



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРОРИ**

**Олий таълим тизимида илғор хорижий тажриба асосида таълим сифатини
ички ва ташқи таъминлаш стандартларини тажриба-синовдан ўтказишни
ташқил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 декабрдаги ПҚ–60-сон “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Жаҳон банкининг “Олий таълимни модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш тизимини Европа таълим сифатини таъминлаш стандартлари ва йўриқномалари (ESG) асосида такомиллаштириш ишларини амалиётга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Жаҳон банкининг “Олий таълимни модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида “Shbeemann” консалтинг компанияси экспертлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Таълим инспекцияси) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда республикадаги олий таълим муассасаларининг таълим сифатини таъминлаш тизимини Европа таълим сифатини таъминлаш стандартлари ва йўриқномалари (ESG) асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги;

таълим сифатини ички ва ташқи таъминлаш тизимини илғор хориж тажрибаси асосида трансформация қилиш мақсадида мазкур қарорга 1-иловада келтирилган республикадаги 6 та давлат олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда – танланган олий таълим муассасалари) танлаб олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Илғор хорижий тажриба асосида янги ишлаб чиқилган таълим сифатини ички ва ташқи таъминлаш тизимини ташқил этиш тартиби ва сифатни таъминлаш стандартларини тажриба-синовдан ўтказиш ишлари танланган олий таълим муассасаларида икки босқичда мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ режа-график асосида ташқил этилсин.

3. Танланган олий таълим муассасалари раҳбарлари:

илғор хорижий тажриба асосида таълим сифатини ички ва ташқи таъминлашнинг янги тартиби ва сифатни таъминлаш стандартларини тажриба-синовдан ўтказишни режа-графикка қатъий амал қилган ҳолда самарали ташкил этиш;

ички ва ташқи баҳолашни ўтказишга жалб этиладиган экспертлар гуруҳи фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг муносиб моддий рағбатлантирилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Таълим инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари (Х.Кетмонов) ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари (К.Каримов):

экспертлар томонидан тақдим этилган хулосалар асосида тажриба-синов натижаларига биноан танланган олий таълим муассасалари раҳбарияти фаолиятига баҳо берсин;

танланган олий таълим муассасалари томонидан таълим сифатини янада яхшилаш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқиши ва уларда белгиланган вазифаларнинг ижро этилишини назорат қилиб борсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамизда қолдирамиз.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

Тошкент ш.,
2022 йил “7” апрел,
09/кк -сон



У.Ташкенбаев

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2022 йил “7” апрел,
06-2022 -сон



А.Тошқулов

Таълим сифатини назорат қилиш
 давлат инспекцияси ҳамда Олий ва
 ўрта махсус таълим вазирлигининг
 2022 йил _____ даги
 ____ ва ____-сон қарорига
 1-ИЛОВА

**Таълим сифатини ички ва ташқи таъминлаш тизимини илғор хориж тажрибаси асосида
 трансформация қилиш мақсадида танлаб олинган олий таълим муассасалари
 РҲЙХАТИ**

Т/р	ОТМ номи
1.	Тошкент давлат техника университети
2.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети
3.	"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институту" миллий тадқиқот университети
4.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти
5.	Самарқанд давлат чет тиллар институти
6.	Андижон машинасозлик институти

Таълим сифатини назорат қилиш
 давлат инспекцияси ҳамда Олий ва
 ўрта махсус таълим вазирлигининг
 2022 йил _____ даги
 ____ ва ____-сон қарорига
 2-ИЛОВА

**Танлаб олинган олий таълим муассасаларида таълим сифатини ички ва ташқи таъминлаш
 тизимини ташкил этиш тартиби ва сифатни таъминлаш стандартларини
 тажриба-синовдан ўтказиш бўйича
 РЕЖА-ГРАФИК**

Т/р	ОТМ номи	Ички баҳолашни ўтказиш ва ҳисоботни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим инспекциясига тақдим этиш муддати	Ташқи баҳолашни ўтказиш муддати
1.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	2022 йил 30 апрелгача	2022 йил май-июнь
2.	"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети		
3.	Андижон машинасозлик институти		
4.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	2022 йил 30 июлгача	2022 йил сентябрь- октябрь
5.	Тошкент давлат техника университети		
6.	Самарқанд давлат чет тиллар институти		